Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● 1997 йил 17 май, шанба ● № 39 (10.917) ● Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ВА СТАТИСТИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИ МАКРОИҚТИСОДИЁТ ВА СТАТИСТИКА ВАЗИРЛИГИГА ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқаришнинг бозор услубларини жорий этиш, республикани ривожлантиришнинг мақбул макроиқтисодий пропорцияларини ва барқарор суръатларини таъминлаш, статистиканинг халқаро нормалар ва андозаларга мувофиқ самарали ишлашини ташкил қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига ўзгартирилсин.

2. Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклансин:

иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг аниқ йўналишларини, йўллари ва услубларини белгилаш, республика иқтисодиётини бошқаришнинг бозор механизмларини таъминлаш;

макроиқтисодий ва моддий балансларни, миллий ҳисоблар тизимидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тахминларини ва тахминий вариант ҳисоб-китобларини ишлаб чиқиш;

Молия вазирлиги билан бирга тўлов, молия ва ташқи савдо балансларини шакллантириш ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;

иқтисодиётнинг реал соҳасида энг мақбул суръатлар ва пропорцияларни таъминловчи инвестиция дастурларини тайёрлаш ҳамда уларни амалга оширишни мувофиқлаштириш, минерал ва хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ва жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялаш;

ҳисобга олишнинг замонавий индикатив, таҳлилий ва статистик усуллари ҳамда воситаларини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиёт, маданиятнинг ривожланишини, халқ турмуш даражаси ва фаравонлиги юксалишини назорат қилиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари истиқболни белгилаш ва статистика бўйича ишлаб турган бўлинмалар негизида:

Қорақалпоғистон Республикаси — иқтисодиёт ва статистика вазирлигини;

республика вилоятлари ва Тошкент шаҳрида — иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаларини;

республика шаҳарлари ва туманларида — иқтисодиёт ва статистика бўлимларини

ташкил қилсинлар.

Мазкур органлар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимликларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига қарашлидир.

4. Белгилаб қўйилсинки:

вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаларининг раҳбарлари, шунингдек, уларнинг таркибига кирувчи статистика бошқармаларининг раҳбарлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тайинланадилар;

иқтисодиёт ва статистика бош бошқармасининг бошлиғи лавозимига кўра вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари ҳисобланади.

5. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, туман ва шаҳар иқтисодиёт ва статистика бўлимларининг раҳбарлари тегишли равишда туман ва шаҳар ҳокимларининг тақдимномаси бўйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва статистика бош бошқармалари томонидан тайинланадилар.

6. Иқтисодиёт ва статистика ҳудудий органлари зиммасига:

минтақаларда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Ҳудудий балансларни, минтақаларни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича таклифларни тайёрлаш;

аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, истеъмол бозорини товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, ижтимоий соҳа тармоқларини ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини оширишнинг йўналишлари ва аниқ йўлларини белгилаш;

халқаро нормалар ва андозаларга мос келадиган статистика ахборотини йиғиш ва ишлов бериш усулларини жорий этиш, минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган жараёнларни статистик ҳисобга олиш ва таҳлил этиш тўлиқ ҳамда тезкор бўлишини таъминлаш вазифаси юклансин.

7. «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 5 августдаги 449-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил, 15 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Б. С. ҲАМИДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКРОИҚТИСОДИЁТ ВА СТАТИСТИКА ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бахтиёр Султонович Ҳамидов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазири этиб тайинлансин ва шу сабабдан у Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Молия вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 16 май.

ШАХСИЙ ТОМОРҚА БУҒДОЙИ

БУ оилани Ўртачирчиқ туманида яхши билишади. Абеновлар тумандаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида истиқомат қиладилар. Улар деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг энг меҳнаткаш аъзоларидандир. Оила бошлиғи Ўрозали Абенов тракторчи эди. Ўтган йили бу оила шахсий томорқасига буғдой экди. Ота-она ёнига кирган фарзандлар астойдил меҳнат қилишди ва бор-йўғи 10 сотих ердан 1 тонна-ю 200 кило буғдой олишди. Хўжалик раиси Соли Тожиев оилага техника берди, буғдойни янчиб олишга ёрдам қилди. Ғаллачилик хонадонга қут-барака келтирди. Шу туфайли Абеновлар бу йил буғдойзорни икки баравар кенгайтиришга қарор қилдилар.

Айни кунларда яхши парваришланган ғалла кўзни қувонтиргудек бошоқлади.

— Ҳосил чўғи меҳнатингизга яраша бўлибди, — дейди ғаллазорга кирган кекса деҳқон Пардабой ота Боймоқов. (суратда: чапда).

Рихси опа ҳам ғайратли фарзандлари, хусусан, суратда ёнида турган Абдуҳошим Абенов қилган меҳнатини кўриб хурсанд.

Шахсий томорқа хўжалигидан 2,5—3 тоннага етказиб дон олиш мўлжалланмоқда. Албатта, бу ҳосил оила эҳтиёжидан ортиб-тортиб қолади. Уни сотиб яна даромад қилиш, орзу-ҳавасларга ишлатиш мумкин. Омадингизни берсин, ғаллакорлар!

Александр МАЛЬЦЕВ олган сурат.

ЯНГИЛИКЛАР

БИРИН-КЕТИН ИШ БОШЛАШДИ

ЯҚИНДА Олмалиқ шаҳар электр алоқа тармоғида 10 минг абонентга мўлжалланган янги уяли-рақамли станция иш бошлагани ҳақида хабар берган эдик. Тошкент вилоят Давлат электр алоқа ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Жанубий Кореянинг «ДЭУ-телеком» компанияси ҳамкорлигида бунёд этилган Паркент туманидаги 3 минг, Янгийўл шаҳридаги 12 минг уяли-рақамли станциялар ҳам телефон орқали гаплашувчиларни беҳад хушнуд этди.

— Станциялар фойдаланишга топширилиши билан сўзлашув чоғида рўй берадиган ноаниқликлардан мутлақо холи бўлинди, — дейди вилоят электр алоқа ишлаб чиқариш корхонаси бош муҳандиси Асрор Эшонхўжаев. — Бу станциялар дунёнинг истаган шаҳри билан бемалол боғланиш учун кенг имкониятлар очади.

Саид САИДАҲМЕДОВ.

КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

ПАРКЕНТ туманида ўрта мактаб ўқувчилари экология билимини чуқурлаштиришнинг турли усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Шу мавзуда ўқув юртлари ўртасида ўтказиб туриладиган кўрик-танловлар ҳам бунга хизмат қилмоқда. «Камолот» жамғармасининг туман бўлими, туман «Экосан» ҳамда халқ таълими бўлимлари биргаликда шундай кўрик-танловларни ташкил этишмоқда.

Кўрик-танловлар дастлаб минтақалар бўйича бошланди. Уларда ғолиб чиққан мактаблар финалда мукофотли ўринларни олиш учун ўзаро беллашдилар. Ўқувчилар биологияга оид саволларга жавоб бердилар, компьютерларда тестлар бажаришди, бошқотирма тузиш ва ечишда мусобақалашдилар, эркин мавзуларда куч синашдилар.

Кўрик-танловнинг охирги босқичида муваффақиятли қатнашган 15-ўрта мактаб ўқувчилари биринчи ўринни эгаллашди. 8- ва 31-ўрта мактаблар талабалари эса иккинчи ва учинчи ўринларни бўлишиб олишди. Қизиқарли ўтган кўрик-танлов ғолибларига туман «Экосан», «Камолот» жамғармалари бўлимлари, халқ таълими ходимларининг, туман касаба уюшмаси совринлари, қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Маҳаммаджон ИБРОҲИМОВ,
«Камолот» жамғармасининг Паркент тумани бўлими раиси.

«РОҲАТИ ҲАМ, АЗОБИ ҲАМ БОР»

«Тошкент ҳақиқати» материаллари изидан

ГАЗЕТАНИНГ шу йил 26 март сонида юқоридаги сарлавҳа остида берилган мақолада вилоят ҳудудидаги автомобил йўлларини таъмирлаш, жаҳон андозаларига мослаш, атрофларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш муаммолари кўтарилган эди. Ушбу мақола кенг газетхонларга манзур бўлди. Унда кўтарилган масалалар юзасидан таҳририятга турли фикр-мулоҳазалар баён этилган мактублар келмоқда.

Хусусан, бу ишларга бош мутасадди бўлган «Тошкентавтойўл» акционерлик бирлашмаси бошқаруви раиси Бахтиёр АЛИМОВ имзоси билан юборилган жавоб хатида бирлашма тасарруфида бўлган умумий фойдаланишдаги 3683 километр узунликдаги автомобил йўллари ва уларнинг комплексига кирувчи кўприклар ва бошқа иншоотларни таъмирлаш, бу йўлларда транспорт воситаларининг бетўхтов, хавфсиз ҳаракатини таъминлаш юзасидан кенг кўламдаги тадбирлар таъкидлаб ўтилган.

Айни вақтда бажарилган ишларга қарамай вилоят ҳудудидаги умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларида мақолада кўрсатилган камчиликлар мавжудлиги ҳам айтилиб, 1997 йилнинг 9 апрель куни бўлиб ўтган бирлашма кенгашининг йиғилишида «Роҳати ҳам, азоби ҳам бор» мақоласи кенг муҳокама этилганлиги, тегишли чора-тадбирлар белгиланганлиги ҳамда бирлашманинг йўл хўжаликларида технологик, молиявий, меҳнат интизомларини мустаҳкамлаш бўйича махсус буйруғи ва қарори чиқарилган.

Унда барча туман автомобил ва ободончилик йўл бошқармаларида мазкур мақолани муҳокама қилиш ва бир ҳафта муддат ичида бошқарма ихтиёридаги автомобил йўлларида кўрсатилган камчиликларни тузатиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш юклатилган. Шунингдек, йўл бошқармалари бошлиқларининг шахсий жавобгарлиги остида умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларида транспорт воситаларининг бетўхтов, узлуксиз ҳаракатини таъминлаш бўйича доимий равишда йўлларни сақлаш, таъмирлаш ишларини амалга ошириш ва биринчи навбатда кечиктириб бўлмайдиган йўл ишларини бажариш, бошқарма баланси ҳисобидаги йўллар мажмуасига кирувчи асосий шоҳкўчалар, чорраҳа, кўприк, туман марказлари ва аҳоли яшайдиган ҳудудлардан ўтган йўлларда жойлардаги ҳокимликлар билан келишилган ҳолда ёритгич чироқларини ўрнатиш чора-тадбирларини кўриш, биринчи навбатда халқаро давлат аҳамиятидаги ва бошқа автомобил йўлларидаги барча йўл белгиларини амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида ўрнатилишини таъминлаш, жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда туман марказлари, маҳалла жамоалари, мактаб ўқувчилари ўртасида, масжидларда ва фуқаролар йиғиладиган манзилларда автомобил йўлларининг тозалигини, йўл белгиларининг ўз ўрнида туриши ва транспорт воситалари ҳамда йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг оммавий тушунтириш ишлари олиб бориш вазифалари юкланган.

Шунингдек, барча туманлардаги автомобил ва ободончилик йўл бошқармалари раҳбарларига, мутахассисларга уч ой муҳлат берилиб, белгиланган тадбирларнинг бажарилишини қатъий назорат қилиш, технологик, молиявий ва меҳнат интизомини бузган раҳбарлар, ходимларга нисбатан тегишли жазо кўрилиши қайд этилган. Шу мақсадда бирлашмага қарашли ёрдамчи асфальт-бетон цехларида сифатли асфальт-бетон қоришмаси ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида бу корхоналарнинг бошлиқлари ва ходимларини аттестациядан ўтказиш режалаштирилган.

ТАҲРИРИЯТДАН: *Жавоб мактубидан кўриниб турибдики, вилоят автомобил йўллари давлат акционерлик бирлашмаси раҳбарияти ва жамоаси мазкур мақолада кўтарилган муаммоларни жуда тўғри тушуниб етганлар ва уларни бартараф этиш юзасидан амалий ҳаракатларни бошлаб юборганлар. Биз таҳририятга юборилган батафсил маълумотлар ва жавоб хати учун, энг муҳими, ушбу мақолада кўтарилган муаммо уларни бефарқ қолдирмаганлиги учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Айни вақтда мақолада номлари кўрсатилган шаҳар, туман ҳокимликлари, «Тошчироқ» бирлашмаси ва бу ишга мутасадди бўлган барча ташкилотлар ҳам ушбу мавзу юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирадилар, деб умид қиламиз.*

ҲУДУДИЙ КЕЛИШУВ ИМЗОЛАНДИ

ТОШКЕНТ вилояти ҳокимлиги, вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда вилоят касаба уюшмалари Кенгаши вилоят аҳолисини 1997-1998 йилларда ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш тўғрисида ҳудудий келишувни имзолади.

Ҳамкорликда ишлаб чиқилган бу келишувда белгиланган тадбирлар кўлами жуда кенг. Унда аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш, айниқса, кам таъминланган оилалар ва фуқароларга моддий ёрдам кўрсатиш, кичик, ўрта ва хусусий мулк эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш, ойлик маош, стипендия, пенсия, турли тўловлар ва устама ҳақларни ўз вақтида тўланишини назорат қилиш, «Соғлом авлод учун» дастурига асосан болаларни соғломлаштириш тадбирларини изчил давом эттириш, болалар оромгоҳларини таъмирлаш, озиқ-овқат ва дори-дармон билан таъминлашни яхшилаш, «Бандлик» дастурининг бажарилишини назорат қилиш, меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси қонун-қоидалари ва меъёрий талабларининг бажарилишини текшириб бориш сингари ишлар ўз аксини топган.

Бу ҳудудий келишув икки йилга мўлжалланган бўлиб, унинг бажарилишини таъминлаш аниқ ташкилот ва муассасаларга юклатилган.

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

ЯҚИНДА вилоят ҳокимлиги корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда республика Президентининг 1996 йил 11 декабрдаги «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги Фармонига биноан вилоятнинг корхона ва ташкилотларининг санация ҳамда банкротлигининг олдини олиш масалалари муҳокама этилди.

Йиғилишни вилоят ҳокими, комиссия раиси, Эркин Рўзиев бошқарди.

ҲАЙЪАТ ҚАРОР ҚИЛДИ

Комиссия йиғилишида вилоят иқтисодий ночор корхоналар ишлари ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган корхона ва ташкилот ва муассасаларнинг 1996 йил молия-хўжалик фаолияти якуни ҳамда «Ўзтадбиркорбанк» вилоят бошқармаси ва «Бизнес-фонд» томонидан мижозларга берилган кредит маблағларини белгиланган муддатларда қайтарилишини таъминлаш ҳамда уларнинг молиявий аҳволини чуқур ўрганиб чиқиш масалалари кўрилди. Комиссия ана шундай бир қатор корхона ва ташкилотларга 1996 йил давомида йўл қўйилган кредиторлик ва дебиторлик қарзларини тўлаш юзасидан қатъий муддатлар қўйди. Шунингдек, бир қатор корхоналарнинг фаолиятини чуқур ўрганиб чиқиш ва улардаги иқтисодий аҳволни барқарорлаштириш юзасидан тегишли ҳужжатлар тайёрлаш таклифини киритди.

Йиғилишда иқтисодий ночор корхоналар ишлари ҳудудий бошқармаси тижорат банклари бошқаруви раислари ва вилоят давлат солиқ бошқармаси билан биргаликда бошқа қарздор корхона, ташкилот ва муассасаларнинг молиявий аҳволини чуқур таҳлил этиб, вилоят комиссиясининг навбатдаги йиғилишига кўриб чиқиш учун тақдим этиш вазифаси юклатилди.

Вилоят комиссиясининг бундай йиғилишларини ҳар ойда бир марта ўтказиб туришга қарор қилинди.

Бу сонда:

ФРАНЦИЯЛИК ИШБИЛАРМОН БИЗГА КЕЛИБ ОТ КЎПАЙТИРМОҚЧИ

2-БЕТ

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

3-БЕТ

ОТА ҚОТИЛИ — ПАДАРКУШ ДЕМАК...

4-БЕТ

ҚАДРЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Мамлакатимизда 1997 йилнинг иккинчи ярми учун газета ва журналларга обуна давом этмоқда. Ҳар ким хоҳлаган нашрига ёзилиши мумкин, албатта. Аммо шуни эслатиб ўтмоқчимизки:

— пойтахт Тошкент вилояти, мустақил Ўзбекистонимиз ҳамда дунё ҳаётига оид энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар билан танишай десангиз:

— иқтисодий ислоҳотларнинг боришидан хабардор бўлай десангиз:

— маънавият, маданият, спорт янгиликлари, табиат ва инсон муаммолари сизни қизиқтирса:

— саломатликни мустаҳкамлаш, пазандаликка доир маслаҳатлар, турфа олам янгиликларини ўқиш истаги бўлса:

— йил охиригача газетани мунтазам олай десангиз

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ

Обунани барча алоқа бўлимлари орқали расмийлаштириш мумкин.

Газетамизнинг нашр кўрсаткичи: 64672.

Оила ва жамият

БУРЧ

...КЎПЧИЛИК қатори телевизор кўриб, газеталарни ўқиб бораман. Ҳар сафар фарзандлар тарбиясига оид кўрсатувларни томоша қилганда, мақолаларни ўқиганда кўнглимда аллақандай ифтихор пайдо бўлади. Бу бежиз эмас. Бир-биридан меҳнатсевар ўғил-қизлар отасиман. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбиясига бағишланган анжуманни ҳам диққат билан кузатдим. Унинг иштирокчиларига Президентимиз йўллаган табрикни ҳам ўқидим. Унда оила, маҳалла, мактаб, жамият биргаликдагина баркамол инсонни вояга етказиши мумкинлиги, мамлакатимизнинг мард, фидойи фарзандларини тарбиялаш, айниқса, ҳар бир ота-онанинг шарафли бурчи эканлиги тўғрисидаги фикрлар айни дилимиздаги сўзлардир. Чиндан ҳам фарзандларимизнинг ўзларига муносиб ўрин топишлари йўлида тўғри тарбия бермоғимиз, имкониятлар яратмоғимиз керак...

... «Дўстлик» ҳиссадорлик жамияти аъзоси Баҳодир Манасов билан мулоқотимиз унинг ана шу сўзлари билан бошланди. Суҳбат мобайнида у «бирор олий ўқув юртини битирган бўлса керак», деган фикрга бордик. Бу бежиз эмасди. Бир вақтлар институтни тугатганлар ҳам звенолар, бригадаларни бошқаришган, механизаторлик қилишган. Шу боис бугунги турмуш тарзимиз, юртимизда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида худди муаллимлардек равон ва ўринли гапираётган ёши 55 лардан ошган бу кишининг илми билан қизиқдик.

— Юқоричирчиқ туманидаги Болта қишлоғида ўрта мактабни битирганимдан кейин жамоа хўжалигимизнинг ҳозирги фахрий раиси Хван Ман Гим йўлланмаси билан Ўртачирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли корпорациядаги 3 ойлик тракторчилик курсини битирдим, бор билимим шу, — деди табассум билан Б. Манасов. — Лекин илмий мақолаларни, газета-журналларни ўқишни канда қилмайман...

Кейин у (илгариги «Политотдел») ҳозирги «Дўстлик» жамоа хўжалигида ўттиз йил тракторчилик қилгани механизатор сифатида турли, ишларни бажаришга тўғри келгани хусусида ҳам батафсил ҳикоя қилиб берди.

... Ўттиз йил. Айтишгагина осон. Баҳодир учун бу йиллар мазмуни бир олам. Вақти келса, туну-кун ер шудгорлашга ҳам тўғри келди. Майдонларга чигит экиш, униб чиққан ниҳолларга ишлов бериш, кўкка бўй чўзаётган ғўзалар оралаб эгатларни юмшатиш, гоҳо об-ҳаво инжиқлик қилиб далаларни сел ювиб кетганда ишни қайтадан бошлаш, терим мавсумида пахта хирмонлари бунёд этиш...

— Энди бу ишларни фарзандларимиз бажаришяпти, — дейди Баҳодир, — мен майдонларда ўқ ариқлар олиш, пайкаллар четларини шудгорлаш ишларига қарашиб тураман. Яна мақтаняпти демангу, ўзимни даласиз тасаввур этолмайман. Агар трактор минмасин, тинчим йўқолади. Ўғилларимга ҳам шу «касалим» юққан.

Баҳодир Манасов оиласида тўрт фарзанд ота касбини эгаллади. Бахтиёр ва Икромжонлар бундан анча йиллар аввал механизаторлик курсини битириб, пахтазорда ишлаётган кезларда Ихтиёр ва Баҳромда ҳам техникага ҳавас уйғонди. Эндиликда ҳар йили оға-инилар хўжаликда пахта териб, хирмонларни бунёд этишар экан, бундан фақат Баҳодир ака ва унинг умр йўлдошигина фахрланиб қолмай, жамоа хўжалигининг бошқаруви ҳам чексиз қувонади.

— Хўжалигимизда Манасовларни мураббийлар сифатида алоҳида ҳурмат қилишади, — дейди «Дўстлик» ҳиссадорлик жамияти раиси Геннадий Ли, — кейинги уч йил ичида улар беш нафар шогирд тайёрлашди. Мураббийликда алоҳида фаоллик кўрсатган Ихтиёрни бригадирликка кўтардик, Баҳром ҳозир илғор фермерлар сафида.

Ўтган йили Манасов бригадаси 39 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил етиштирди, 65 гектардаги ғалланинг ҳар гектаридан олинган дон 42 центнерданни ташкил этди, маккажўхори, беда ҳосилдорлиги ҳам юқори бўлди.

— Инсон яхши ният қилса, эзгу орзуларига эришаверар экан. Бир неча йиллардан бери ҳар бири 100—110 тоннадан пахта териб келаётган Бахтиёр ва Икромжонларнинг ўтган йилги кўрсаткичлари 180-190 тоннадан ошиб кетди. Хўжалик бошқаруви механизаторларни муносиб тақдирлади. Болта қишлоғида эса бу оилага ҳавас қилмаган хонадон йўқ. Ким билан суҳбатлашманг, фарзандларининг аҳиллигини, ишчан ва тадбиркорлигини алоҳида таъкидлайди. Ака-укалар ҳашар йўли билан ўз оилаларига уйлар қуриб олишганини айтмайсизми.

— Юртбошимиз Республика Олий Мажлисида, Фарғонада бўлиб ўтган сессияларда ҳам, куни кеча Сурхондарёдаги учрашувлар чоғида ҳам тарбия масаласига алоҳида эътибор бердилар, — дея суҳбатда давом этди Б. Манасов. — Чиндан ҳам ёшлар тарбияси муҳим муаммодир. Чунки, улар қанчалик баркамол бўлиб, чуқур билим олиб, касб-ҳунар ўрганиб, вояга етишса, мамлакатимиз келажаги учун шунчалар яхши. Ҳалол иш билан, ҳунар билан банд бўлган одам ёмонликдан хазар қилади.

Менинг ҳам, хонадон бошлиғи сифатида «Бола болалигиданоқ меҳнатда чиниқиши керак, яхши тарбия яхши мева беради» деган ўз шиорим бор. Фарзандларимни шу тамойилга амал қилиб улғайтирдим...

Шу кунларда ота-бола механизаторлар «Дўстлик» далаларида барқ уриб ўсаётган ниҳолларга ишлов беришмоқда. Ҳадемай, кунлар ўтиб, бепоён ғаллазорлар уларни ўз бағрига чорлайди. Ана ўшанда улар эл-юрт учун ризқ-рўз яратадилар. Бу эса энг муқаддас ишдир.

Саидвали ҲАСАНОВ.

КЕТМОН «ҚУЛОЧГА ҚАРАБ» ЧОПИЛАДИ

Оҳангарон туманида фермер ва шахсий хўжаликларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда

Оҳангарон — чорвадорлар тумани. Мавжуд 318 минг гектар майдоннинг 28,5 минг гектаридагина экин экилса, қолгани ўт-ўланларга бой бепоён яйловлар. Бу ерда азал-азалдан қўрасида қўй, молхонасида мол асрамаган қишлоқ одами бўлмаган. Фермер хўжаликлари ташкил топа бошлагач мол боқувчи хонадонлар янада кўпайди. Аҳоли қўлидаги моллар кейинги бир йил ичида 14 минг 200 бошдан 15 минг 140 бошга етди. Яйловларда эса 31 минг 100 бош қўй ва совлиқлар ўтлаб юрипти. Яқинда ҳисоблаб чиқишди: хонадонлардаги қўйлар сони ўтган йилдагига қараганда 3400 бошга кўпайибди.

— Моллар ўз-ўзидан кўпайиб бораётгани йўқ, — дейди туман ҳокими Улуғбек Иброҳимов. — Ҳокимият мол асрайман, кўпайтираман, деган хонадонларга зарур шарт-шароитларни яратиб беряпти. Уларга 15—20 сотихдан ер берилди, имтиёзли қарзлар ажратилмоқда. Ем муаммоси ҳам ҳал бўлди ҳисоби. Ун комбинати туман марказидаги бозорда ем сотиладиган 3 та дўкон очди. Бу ерда истаган миқдорда, аралаш озуқа, кепак ва ем сотиб олиш мумкин.

«Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аъзоси Абдуқаюм Қаршибоев яратиб берилаётган ана шундай қулайликлардан самарали фойдаланаётган тадбиркорлардан бири. У хўжаликда ҳисобчилик қиларди. Банкдан қарз кўтариб, бир неча сигир сотиб олди. Жамоа хўжалиги бошқаруви унга беш гектар ер ва тиркови билан битта трактор берди. Тадбиркор бир гектар ерга картошка, бир гектарга дон экиб, тўққиз тонна картошка ва тўрт тонна буғдой олди. 70 сотихда карам, шунча ерда пиёз етиштирди. Ярим гектар ерда етиштирилган маккадан силос учун 16 тонна кўкпоя, 0,9 гектар ердаги бедадан 155 центнер пичан чиқди. Уч йилда қорамоллари бош сониҳи 17 тага, қўй-эчкиларини 40 тага етказди.

Абдуқаюмнинг оиласи тўққиз кишидан иборат. Турмуш ўртоғи Рихсихон ва икки ўғли Фахриддин ва Фарҳод отанинг қанотига кириб, у билан баравар хўжаликни юритишади.

— Шунча молни асраш уч кишига оғирлик қилмайдими? — сўраймиз ундан.

— Гарчи ишловчилар расман уч киши ҳисобланса-да, оиланинг бошқа аъзолари ҳам меҳнатдан чиқишмайди. Болалар молхона ва яйловда енгилроқ иш билан банд бўлишса, катталар деҳқончилик ва чорвачиликнинг оғирроқ юмушини бажаришади. Ҳамма нарса чидамга ва кўникишга боғлиқ.

— Қийинчиликлар, ҳал бўлмаётган муаммолар борми?

— Пичан деҳқончиликдан чиқиб турипти.

Фармон ва ижро

Янгийўлдаги ёғ заводига ўтган йили кунжара учун 30 минг сўм пул ўтказиб қўйгандим. Ҳар килосига 90 тийиндан. Уни ундириб олишнинг ўзи бўлмаяпти. Республика Президентининг шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳақидаги фармони чиқди. Зора, энди, ана шундай муаммолар ҳал бўлса.

— Ўрни келганида яна бир истагимни айтмоқчи эдим, — Абдуқаюм Қаршибоев ийманибгина гапида давом этди. — Менингча жамоа хўжалиги бошқаруви экин майдони ажратганида фермернинг иш қобилияти ва имкониятини эътиборга олса, маъқул бўларди. Ўзимдан мисол, чорва молларини яна кўпайтиришга маблағим, уларга қарашга куч ва имкониятим етади. Аммо ерим оз. Қанийди, хўжалик экин экиш учун яна 10—15 гектар ер қўшиб берса. Афсуски, бу қийин кўчаяпти.

Биз бундай истак ва таклифларни «Ўзбекистон», «Оҳангарон», «Ангрен», «Шодималик» ва бошқа жамоа хўжаликлари ҳудудида ташкил топган кўпгина чорвадор фермерлардан ҳам эшитдик.

«Оҳангарон» ҳиссадорлик жамияти ҳудудидаги «Бўрон» фермер хўжалиги раҳбари Холмат Ҳасанов: — 665 бош қорамолим бор. Шундан 330 бош сигир соғилади. Ўтган йили 340 тонна сут соғиб, 320 тоннасини сотган эдим. Бу йил тўрт ой ичида соғиб олинган 110 тонна сутга аранг харидор чиқди. Тайёр маҳсулотни нақд пулга сотолмаётганимизнинг ўзи катта муаммо. Нақд пул бўлмаса молларга ем, техникамизга ёнилғи, эҳтиёт қисмлар ололмаймиз. Республикамиз Президентининг шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармони дардимизга малҳам бўлди. Негаки, энди гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларимизни шартнома асосида қабул қилиб оладиган пунктлар очилади, маҳсулотларни мунтазам топшириб турадиган уюшма аъзоларига уруғлик, минерал ўғитлар, ўраш материаллари ва ускуналарни муқобил тартибда етказиб бериш таомилга киради.

«Шодималик» жамоа хўжалиги ҳудудидаги «Мақсад» фермер хўжалиги раҳбари Маҳмуд Нурматов: — Қулочга қараб кетмон чоп, деган мақол бор халқимизда. Ўзим зоотехникман. Дўппини бундоқ олиб қўйиб ўйласам кучим, имкониятларим етарли. Жамоа хўжалигидан 280 бош қорамолни молхоналари билан бирга сотиб олдим. 176 гектар ерим бор. Шундан 100 гектари суғориладиган ер, 76 гектари яйлов. Ўтган йили қарзларимдан қутулиб бўлдим. Подам йил сайин кўпайиб боряпти. Худо хоҳласа, моллар сонини 300 бошдан ошираман. Етиштирилаётган маҳсулотларни ҳам зарар кўрмай сотяпман. Туман марказидаги касалхона ва қариялар уйи ҳар куни 250 литр сут олаяпти. Ҳар литр сутнинг таннархи 13 сўмданга тушяпти. Ўтган йили 50 минг сўм соф фойда олгандим. Бу йил 80 минг сўмни кўзлаяпман. Фермерлик ҳаракати бошланганда «Шодималик»да тўрт-беш киши шу ишга қўл урганди. Эплолгани эплаб, уддасидан чиқмагани экин ерларию, мол ва молхоналарини хўжаликка қайтариб беришди. Ҳозир қишлоқда мен билан яна икки фермер хўжалиги қолди. Саидамин Эшонтоев ва Малик Жонтўраевларники. Улар ҳам қарзларидан аллақачон қутулиб олишган. Ҳозир бир муаммо устидан ўйлаяпман. Техникадан камчилигим йўқ. Аммо комбайндан қийналяпман. Саидамин ва Маликлар билан гапни бир ерга қўйиб, шерикликка битта комбайн сотиб ололсак, марра бизники бўларди. Чунки уччала фермернинг ғалласини битта комбайн бемалол саранжомлаб беради...

Тадбиркорлар билан бошланган суҳбатимиз туман деҳқон-фермер хўжаликлари ассоциациясида давом этди.

— Қишлоқда иқтисодий ислоҳотлар амалга оша бошлаган дастлабки йилда 135 та деҳқончилик ва 51 та чорвачилик билан шуғулланадиган фермер хўжаликлари ташкил топганди, — дейди ассоциация раиси Яшин Исматов. — Шулардан тўққизтаси хусусий мулкка эга бўлган фермер хўжаликлари. Туман ҳокимлиги ва жамоа хўжаликлари уларнинг оёққа мустаҳкам туриб олишлари учун барча зарур ёрдам ва имкониятларни яратиб беряпти. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига салкам 600 гектар суғориладиган ер майдонлари, техника воситалари ажратилган. Улар ўтган йили 147 тонна гўшт, 126 тонна сут етиштирдилар. Шу йилнинг тўрт ойи кўрсаткичлари фермер хўжаликлари чекига тушадиган гўшт ва сут маҳсулотлари бу йил яна ҳам кўп бўлишидан далолат бермоқда. Президентимизнинг Фармони чиққач, уларни қийнаб қўяётган уруғлик, минерал ўғитлар, транспорт, эҳтиёт қисмлар, чорва еми, наслдор чорва таъминоти муаммолари ҳам ижобий ҳал бўлаётир. Ассоциация ёрдамида ҳар бир фермер хўжалиги «Ўзулгуржимевасабзавот» компанияси тайёрлаш ташкилотлари билан шартнома туздилар.

Оҳангаронда фермер хўжаликлари сони кўпайиб, борлари бойиб, кенгайиб, ривожланиб бораяпти. Деҳқон ва чорвадор фермер хўжаликлари давлат йўли билан қўллаб-қувватланаётгани, улар дуч келаётган қийинчилик ва муаммоларни ўз вақтида ечиш учун амалий ёрдам кўрсатилаётгани, озиқ-овқат етиштиришни кўпайтириш ишида уларнинг ўрни ва ролини кучайтириш борасида ҳар томонлама кўмак берилаётгани сабабли ана шундай бўлаяпти. Оҳангарон қишлоқларида ислоҳотларни чуқурлаштириш, мулк ва ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, тадбиркорларнинг манфаатларини таъминлаш устивор вазифалари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бунинг қандай самаралар бераётганлиги эса фермер хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотлар салмоғи тобора кўпайиб бораётганида ўз аксини топмоқда.

Рафиқ ТУРСУНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: (ўнгда) «Мақсад» хусусий фермер хўжалиги раҳбари Маҳмуд Нурматов молбоқар Мустафо Ҳамроев билан молларни кўздан кечиряпти; (чапда) механизатор Бахтиёр Қувватов.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

БЕНЗИН ЎРНИГА ГАЗ

Янгийўллик автомобилчилар Республика «Транспорт, экология, саломатлик» кўрик-танловининг ғолиби бўлдилар.

ХАЛҚАРО «ЭКОСАН», жамғармаси Республика Ички ишлар вазирлиги, давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Бошгидромет» бошқармаси, «Ўзавтотранс» корпорацияси билан ҳамкорликда транспорт экологияси соҳасида «Транспорт, экология, саломатлик» шиори остида ўтаётган Республика кўрик-танловининг навбатдаги босқичи якунларини чиқарди.

Тошкент вилояти Давлат автомобиль нозирлиги бошқармаси, «ЭКОСАН» жамғармасининг Ангрен шаҳри бўлими, Чирчиқ автотранспорт корхонаси, Янгийўлдаги 2503—автожамламаси бундай беллашувнинг ғолиблари сафидан ўрин олди. Автожамлама бошлиғи Асатулла РАЖАБОВ жамоатчи мухбиримизнинг саволларига жавоб бериб, шундай деди:

Ўрганинг, ўзингизда жорий қилинг

— Бундай кўрик-танловлар ҳар йили ўтказилмоқда. Бунинг самараси яхши бўляпти.Айниқса, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг камайишида асқотмоқда. Бу беллашувда қатнашаётган жамоалар фаолиятига баҳо беришда Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг амалга оширилишига қўшаётган ҳиссаси алоҳида эътиборга олиняпти.

Автотранспорт тобора кўпайиб бормоқда. Мутахассисларнинг хулосасига қараганда, ҳозирги вақтда атмосфера ҳавоси ифлосланишининг салкам 40 фоизи автотранспортнинг заҳарли чиқиндилари улушига тўғри келади. Газ, қурум ва бошқа шу турдаги чиқиндилар инсон саломатлиги учун, қолаверса, бутун жонли табиат учун зарарлидир.

Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда бундай чиқиндиларни чиқаришни ва уларнинг зарарли оқибатларини камайтиришнинг имкониятлари изчил қидирилмоқда. Биз бу муаммони ҳал қилишнинг асосий омили автомобиль транспортини газ асосида ишлашга ўтказишда деб биламиз. Уни жорий қилиш нисбатан осон эканлигини ўз тажрибамизда кўриб-билиб турибмиз. Газни ишлатишдан чиқадиган тутун нисбатан кам зарарлидир.

Бу усулнинг иқтисодий самара беришини ҳам ҳисобга олиш лозим. Суюлтирилган газ бензинга нисбатан икки ярим баравардан ортиқ арзондир. Бензин ўрнига газдан фойдаланиш йўли билан «Соф ҳаво» муаммосини ҳам ҳал қилиш мумкин. Жамоамиз бу ёқилғининг афзалликларини ҳисобга олиб, транспорт воситаларини газ асосида ишлашга ўтказишни бундан бир неча йил илгари бошлаб юборган эди. Дастлаб учта русумдаги юк автомобиллари газга ўтказилди. Биз бу ишга республикада биринчи бўлиб қўл урганимиз билан фахрланамиз. Бугунги кунга келиб, юк автомобилларининг деярли 80 фоизи арзон ёқилғини ишлатмоқда. Фақатгина кейинги икки йилда 51 та «КаМАЗ» газ билан ишлашга ўтказилди. Шундай қилиб газдан фойдаланаётган автомобилларимиз сони 340 тага етди.

Албатта, газ ёқилғисидан фойдаланишга ўтиш учун ҳар томонлама ҳозирлик кўрилди. Бизда автомашиналарни газ асосида ишлаш учун қайта ускуналашнинг республикада ягона бўлган ва яхши жиҳозланган участкаси ташкил қилинди.

Турдош корхоналар бизга тажрибамиз юзасидан маслаҳатлар сўраб мурожаат қилмоқдалар. Уларнинг ҳаммасига баҳоли қудрат ёрдамимизни беряпмиз.

Йўл-йўлакай жамоамизнинг ишлаб чиқариш фаолияти ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Арзон ёқилғидан фойдаланишни кенгайтириш ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва хизмат маданиятининг ошишига ёрдам бермоқда. Ҳозир ҳайдовчиларимиз тузилган шартномалар асосида Янгийўл шаҳри, Янгийўл ва Чиноз туманлари корхоналари, ташкилотлари, хўжаликлари юкларини ташимоқдалар. Айни вақтда вилоятимизнинг бошқа ҳудудларидан мижозларни ҳам оғирини енгил қиляпмиз. Шаҳарлараро юк ташиш кенгайиб бормоқда, автомашиналаримизни Ўзбекистон ҳудудининг барча минтақаларида учратиш мумкин. Ҳар куни 100 га яқин автомашина бинокорлик материаллари, темир-бетон ва пўлат конструкциялари ташимоқда. Вилоятимиздаги йирик иншоотлар қурилишига шу йўл билан ўз ҳиссамизни қўшаяпмиз.

Жамоамиз бир тан бир жон бўлиб йил бошидан бери фидокорона меҳнат қилмоқда. Барча буюртмаларни вақтида ва сифатли бажаришни таъминлаяпмиз. Айниқса, тажрибали ҳайдовчиларимиз бу ишда касбдошларига ўрнак бўлмоқдалар. А. Носвалиев, А. Шоймимов, В. Жиянкўзиев, Х. Абишев, Р. Қурбонов ва бошқа ўнлаб транспортчиларимиз шулар жумласига киради.

Бир ташвишимиз ҳам бор: айрим буюртмачиларимизнинг дебиторлик қарзи кўпайиб бормоқда. Биз уларга шартнома асосида хизмат кўрсатсак ҳам ҳақини ўз вақтида тўламаяптилар. Лекин қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Қарзларни тўла ундириб олишнинг барча имкониятларини ишга соламиз. Хизматимизга яраша ҳиммат қилишларига эришамиз.

Газдан фойдаланиб ишлашнинг афзалликларини тажрибамизда яққол кўриб турибмиз. Биз бу йўналишдаги ишларнинг бундан буён ҳам устивор бўлиб қолишини таъминлаймиз. Республика кўрик-танловининг ғолиби сифатида транспортчиларимиз зиммасига янада масъулиятли вазифа юклатилади. Ғолиблик номига яраша меҳнат қилишимиз лозим. Биз тажрибамизни барча касбдошларимиз билан бажонидил ўртоқлашишга тайёрмиз.

Суҳбатни Икром АҲМЕТОВ ёзиб олди.

---

20 ГЕКТАР ЎРМОН ТЕЖАЛМОҚДА

Ангрендаги картон идишлар комбинати ишлаб чиқаришда асосан маҳаллий хом ашёдан фойдаланаётганлиги диққатга сазовордир. Қалин қоғоз идишларини тайёрлаш учун кўплаб иккиламчи хом ашё — макулатура, қипиқдан тайёрланган целлюлоза ишлатилмоқда.

Сомон, шолипоя, каноп ва пахта тозалаш заводларининг ишлаб чиқариш чиқиндиларидан целлюлоза тайёрлашни ўзлаштириш яхши самара бермоқда. Бу билан қалин қоғоз ишлаб чиқариш учун зарур бўлган целлюлозани четдан олиб келиш деярли тўхтатилди. Ҳозир жамиятда ишлаб турган махсус завод шундай хом ашё ва чиқиндилардан ҳар йили 10 минг тонна целлюлоза тайёрлаш қувватига эга. Унинг бу қувватидан тобора кенгроқ фойдаланиляпти.

Бу тадбир корхона учун катта самара бермоқда. Қалин қоғоз идишлар тахта-ёғочдан тайёрланган идишлар ўрнида бемалол фойдаланилмоқда. Аниқ ҳисоб-китобларга қараганда бу ҳар йили 20 гектар майдондаги ўрмонларни кесишдан сақлаб қолиш имконини бермоқда. Республикамизда ўрмонлар жуда камлигини ҳисобга олсак бунинг ниҳоятда катта иқтисодий аҳамиятга эга эканлиги янада яққол намоён бўлади. Шунча миқдордаги ёғоч-тахтани хориждан келтириш ҳам қанчалик қимматга тушишини тасаввур қилиш қийин эмас.

С.ҲАМИДОВ.

Агротех — 97 ХАЛҚАРО СОТУВ КЎРГАЗМАСИ

Ўзэкспомарказда «Агротех-97» савдо кўргазмаси ишламоқда. Ўзбекистонда биринчи марта ўтказилаётган бу кўргазмада қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган кичик технологияларнинг янги намуналари намойиш этилмоқда. Бу кўргазмада фермерлар чет эл замонавий ускуналарининг турли хилларини ва уларнинг ишлашини кўришлари ҳамда ёқтириб қолган моделларини шартномаларни жойида расмийлаштириб сотиб олишлари мумкин.

«THYSSEN» (Олмония) компанияси фаолиятининг йўналишларидан бири қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик заводларни етказиб бериш, лойиҳалаш ва лойиҳа менежменти каби хизматларни кўрсатади, — дейди жаноб Гонза, фирма номидан маълумот берар экан, — компаниямиз озиқ-овқат саноати учун ҳам қуйидаги ускуналарни ишга туширишга тайёр ҳолда ишлаб чиқаради: ичимликларни тайёрлаш, сут ва гўштни, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш, новвойхона, қадоқлаш, ун тегирмонлари ва мойжувозлар, сув тайёрлагич ва оқава сувларни тозалаш кабилар. Фирма жами 30 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги маблағга эга. Ўзбекистон бозорини икки йил ўргандик. Ҳозирги кунда республикадаги кўплаб йирик металл ва кимё комбинатлари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Кўргазмага қўйилган «Ўзбекқишлоқмаш» ҲЖ культиваторлари, хашакўриш механизмлари, плуглар, бундан ташқари «Ўзбекқишлоқмаш» ҳиссадорлик жамияти, «Гомсельмаш» ва «Ижмаш» ҳамкорликда ишлаб чиқарган фермер хўжаликларига мўлжалланган кичик механизация воситалари ҳам ҳар томонлама пишиқ-пухталиги ва кўримлилиги билан одамлар эътиборини тортмоқда. «Ижмаш-мото» (Россия) ва «Ўзбекқишлоқмаш» қўшма корхонаси томонидан тайёрланган бу кичик механизация воситаларининг бутловчи қисмлари ҳозирча Ижевскдан олиб келиб йиғилмоқда. Йил охирига бориб ва келгуси йилларда 50 минг дона, 2000 йилга бориб эса 100 минг дона кичик механизациялар тайёрланади.

Кўргазмадан жой олган Ўзбек-Венгер «CHILLA» қўшма корхонаси, «GEFIT» (Италия) компанияси, «CEBECO» (Голландия), I.E.C. (Исроил) инженерлик ЛТД фирмалари кўплаб алоҳида машина ва технологик тизимлардан иборат маҳсулотларни тавсия этмоқда. Амалий алоқалар маркази, Республика «Ўзинвестлойиҳа» инжиниринг компанияси кўргазма қатнашчилари ва меҳмонларига ўзаро ахборот алмашишда, янги технологиялар ва ривожланиш босқичлари билан танишишда, ҳамкорлик ва ишбилармонлик муносабатларини ўрнатишда қулай имкониятлар яратиб бермоқда.

Миржалол МИРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

● СУРАТДА: кўргазмадан жой олган кичик механизация воситалари.



БИЗНЕСМЕН ОТГА ҚИЗИҚМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонасидан олинган хабарга қараганда, бу мамлакатдаги машҳур тадбиркор ва хусусий сармоядор Патрик Луи ўзининг назарида истиқболли бўлган бир лойиҳани амалга оширишда ёрдам беришни илтимос қилган. Бизнесмен Ўзбекистонда от заводини сотиб олиш ёки бу ерда наслдор ва спорт отларини етиштириш ҳамда сотиш билан шуғулланувчи давлат-хусусий қўшма корхонаси ташкил этиш ниятида экан.

П. Луи хусусий сармоя бизнеси билан йигирма йилдан кўпроқ вақтдан буён шуғулланмоқда. Ҳозирги вақтда у Франция ва АҚШдаги бир қанча йирик компанияларнинг молиявий акциядори бўлиб, Жанубий Африкадаги бир неча конлар ва Индонезиядаги плантацияларни маблағ билан таъминлашда иштирок этмоқда. Сўнгги йилларда унинг амалий қизиқишлари соҳасида от заводи билан боғлиқ бизнес тобора муҳим ўрин тутмоқда. У

Бизнес-клуб

Уругвайдаги зотдор тулпорлар етиштириб, хорижга сотиш билан шуғулланаётган йирик от заводи эгаларидан биридир. Ҳозир эса Словения Республикасида ана шундай завод ташкил қилмоқда... Унинг гапига қараганда, ўзининг Ўзбекистонга амалий қизиқиши бу ерда қадимдан вужудга келган йилқичилик анъаналари, шунингдек жаҳон от бозорида талаб катта бўлган зотдор отларнинг мавжудлиги билан боғлиқ.

Бизнесмен Марказий Осиё минтақасида жуда қулай мавқеда турувчи ва тадбиркорлар оламида барқарорлиги, хорижий сармоядорлар учун қулай шароитлар билан машҳур бўлган мамлакатимизда дастлаб без юз бош от боқиладиган қўшма корхона ташкил этмоқчи. У йилқичилик билан боғлиқ бу лойиҳани амалга оширишга ўн миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя ётқизишга тайёрдир. Тадбиркор ишга сарфланган маблағ тезда қопланиб, фойда келтира бошлашига ҳам, ўзи яқин икки-уч йил ичида жаҳон от бозори ва спортга зотли отларни етказиб берадиган бизнесменга айланишига ҳам қатъий ишонади.

А. БАРАНОВ,
ЎзА мухбири.



ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА



ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

◆ ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов 13-14 май кунлари Туркманистон пойтахти — Ашгабадда ўтган Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИҲТ)га аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг навбатдан ташқари учрашувида иштирок этди. Марказий Осиё давлатлари, Афғонистон, Покистон, Эрон, Туркия, Озарбайжон, шунингдек, Ислом тараққиёт банки, БМТнинг Савдо ва тараққиёт конференцияси каби ташкилотлар вакиллари қатнашган мазкур олий даражадаги учрашув самимий руҳда ўтди. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу анжуманда сўзлаган нутқи иштирокчиларда катта таассурот уйғотди.

◆ ОСИЁ Олимпия Кенгаши президенти шайх Аҳмад Ас-Сабоҳ мамлакатимизга ташриф буюрди. Уни 15 май куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов қабул қилди. Мулоқот чоғида шайх Аҳмад Ас-Сабоҳ Олимпия ҳаракати ва миллий спортни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Президент И.Каримов ООКнинг Олтин медали билан мукофотланганлигини маълум қилди.

◆ ТОШКЕНТДА «ЎзДЭУ банки» очилди. Куни кеча унинг тақдимот маросими ўтказилди. Мазкур банкнинг очилиши Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги иқтисодий муносабатларни янада чуқурлаштиришга кўмаклашади.

◆ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»да Бангладеш Халқ Республикаси маҳсулотлари савдо кўргазмаси намойиш этила бошланди.

◆ ЯҚИН кунларда Тошкентда бошланадиган XII Халқаро кинофестиваль ташкилий қўмитаси маълум қилди: юксак ғояли энг яхши фильм учун — «Олтин семурғ», энг яхши аёл роли учун — «Олтин лола», энг яхши эркак роли учун — «Олтин арча» мукофотлари белгиланди. Ғолибларга 5 мингдан 10 минг долларгача бўлган пул мукофотлари ҳам берилади. Миллий анъаналар юксак бадиий даражада акс эттирилган фильмлар муаллифлари эса «Кумуш семурғ» совринини оладилар.

БИЗНИНГ ШАРҲ

400 ЙИЛДАН СЎНГ...

УШБУ ҳафта бошида бутун жаҳон эътиборига молик воқеа содир бўлди. Россия Федерацияси билан Чеченистон — Ичкерия Республикаси ўртасидаги муносабатлар мажмуасига тааллуқли Тинчлик Шартномасига имзо чекилди. Бундан ҳар икки томон бир қадар мамнун эканликларини изҳор этди. Лекин, маросимда иштирок этган катта-кичик арбоблар чеҳраларида шодлик аломатлари унчалик сезилмади. Нега?

Бунинг боиси бор эди. Зеро, чинакам ишонч бўлмаган ерда хавфсираш ҳеч қачон барҳам топмайди. Россия билан Чеченистон ўртасидаги ишончсизлик эса асрлардан асрларга ўтиб келаётган «эски касаллик»дир. Бундай «дард»ни эса дафъатан йўқотиб юбориш амалий жиҳатдан осон иш эмас.

Шартномага қўл қўйиш чоғида Россия президенти Б. Ельцин гарчанд «Ниҳоят 400 йиллик урушга нуқта қўйилди», «Муносабатларда бундан кейин ҳарбий куч ишлатилмайди», Чеченистон президенти А. Масхадов «Тарихий аҳамиятга эга бўлган қадам қўйилди» деган бўлсалар-да, аслида бу гаплар кўпроқ «дипломатик» фикр-мулоҳазаларни эслатди. Дипломатик гап-сўзлар эса кўп ҳолларда қонуний-мажбурий маъноларни англатган эмас. Инсоният тарихи бунга гувоҳдир.

Йирик сиёсатдонлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, жаҳон оммавий ахборот воситаларининг «пихини ёрган» шарҳчилари не сабабдан бундай гумонсирашларни ўртага ташламоқдалар?

Бунинг учун уларнинг арзигулик «катта далили» бор. Бу «меҳвар» — Чеченистон — Ичкерия Республикаси сиёсий мақомининг ҳал этилмаганлигидир. Чеченистон яқин орада мустақил давлат бўладими, ёки Россия таркибида қолиб, ўзгача бир ҳуқуқларни қўлга киритадими? Буни ҳозирча ҳеч ким билмайди. Чунки, бу масала ўзаро келишувга асосан 2001 йилнинг 31 декабридан кейинги муддатга қолдирилган. Ишқилиб, ўша вақт келганда қарама-қаршиликлар, тўс-тўполонлар қайтадан бошланиб кетмаса бўлгани... Ҳозирча бир нарса дейиш қийин. Айни пайтдаги ҳолат эса кўпроқ «нафас ростлаш»га ўхшаб кетмоқда.

ЎША КУН ЯҚИН

ҲА, ЎША САНА тобора яқинлашмоқда. 27 майда Россия билан Шимолий Атлантика уюшмаси — НАТО ўртасидаги муносабатларга доир Асосий тамойиллар далолатномаси деб аталмиш алоҳида ҳужжатга Франция пойтахти — Парижда имзо чекилиши кутилмоқда. Бу ҳужжатнинг мақсад ва моҳияти нималардан иборат?

Маълумки, бир неча йил муқаддам СССР нуради. «Қизил империя» тугади. Варшава ҳарбий шартномаси барҳам топди. Шарқ ва Ғарб ўртасидаги «совуқ уруш»га чек қўйилди. Жаҳон майдонида катта сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳудудий, жўғрофий ўзгаришлар юз берди. Қатор янги мустақил давлатлар вужудга келди. Сўнгги йилларда улар НАТО таркибига кириш истагини билдира бошладилар. Хусусан, Руминия, Венгрия, Чехия, Польша, Украина, Латвия, Литва, Эстония сингари мамлакатлар шу мақсадни кўзлаб одим ташламоқдалар. Натижада, «НАТОнинг Шарқ томон кенгайиши» деган ибора пайдо бўлди. Шу йил ёзида НАТО таркибига янги давлатлар қабул этилиши кутилмоқда. Жумладан, улар орасида Болтиқбўйи республикалари ҳам бўлиши мумкин. Бу маросим Испания пойтахти Мадридда бўлиб ўтади.

Бундай ҳолат аввал бошданоқ Россияга маъқул келмади. Шимолий Атлантика уюшмасининг Шарқ томон кенгайиши масаласини у ўзининг миллий хавфсизлигига таҳдид, деб билди ва иложи борича бу тадбирга монелик қила бошлади. Натижада, НАТОга аъзо давлатлар билан РФ ўртасидаги муносабатлар таранглашди. Нохушлик пайдо бўлди. Оқибатда, икки ўртада бир қадар мақбул йўл топиш саъй-ҳаракатлари авж олди. Айни кунларда ҳам бундай «дипломатик юриш»лар давом этмоқда. РФ президенти Б. Ельцин жорий ҳафта давомида Олмония канцлери Г. Коль, Франция президенти Ж. Ж. Ширак, Англия бош вазири Э. Блэр каби давлат ва ҳукумат бошлиқлари билан телефон орқали мулоқотда бўлди. Ташқи ишлар вазири Е. Примаков Москвага серқатнов бўлиб қолган НАТО бош котиби Х. Солано билан галдаги музокараларни олиб борди. Мудофаа вазири И. Родионов эса Вашингтонга сафар қилди. Барча учрашувлар мазмуни битта нарсага қаратилди: НАТО Шарқ томон кенгайгудек бўлса, унга аъзо бўладиган янги давлатлар ҳудудларида уюшманинг ядровий қуроллари ва ҳарбий қисмлари жойлаштирилмаслиги шарт! Акс ҳолда Россия «Далолатнома» ҳужжатига имзо чекмайди ва кенгайишга жавобан чора — муқобил тадбирлар кўришга мажбур бўлади.

Ҳозирча «Далолатнома» тақдири қуюқ туман орасида титраётган саробни эслатмоқда. Фақат, бир нарсани аниқ айтиш мумкин: ўн кундан сўнг ҳамма нарса равшан бўлади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

• АҚШ олимлари «Пропесия» деган дори яратдилар. У тақирбошлиларнинг сочини ўстириш учун мўлжалланган. 65 фоиз ҳолатларда ушбу восита ижобий натижа беради. Энди 35 миллион ёши ўтинқираган каллар бемалол бу тугмача дорини истеъмол қилишлари мумкин.

• АЙНИ пайтда Туркияда 20 минг телефон хавфсизлик маҳкамалари томонидан назорат этилмоқда. Яқин келажакда «маҳфий» — эшитиб турилмайдиган биронта ҳам телефон қолмайди. Бу тадбирга 120 миллион доллар ажратилди.

• ОЛМОНИЯДА яшовчи Ирэн Пеппербергнинг икки яшар тўтиси 200 та сўзни бемалол айта олади. Ундан ташқари бу қуш 10 хил рангни ажратади, олтигача санашни билади. Бу «ютуққа» Ирэн ўзи ишлаб чиққан «дастур» асосида эришди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 19

Профилактика муносабати билан 19 май, душанба куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.45 «Оила». Тележурнал.
19.05 «Катта танаффус» янгиликлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиёсат оламида».
21.30 Ўзтелерадиокомпания эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
21.50 «Вақт». Публицистик кўрсатув.
22.15 «Бу оқшом...».
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20—00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Ғайритабиий олам».
19.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
19.20 «Услуб».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.15 Кундалик.
22.25 «Бебаҳо лаҳзалар».
22.35 «Спорт қитъаси».
23.05 «Этнограф».
23.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.05—00.15 Кундалик.

III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Қалдирғоч». Фильм-концерт.
9.00 «Замин фидойилари». Телеочерк.
9.25 «Дил изҳори». Кинодастур.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фармон ва ижро».
10.35 «Ҳаворанг атиргул». Болалар учун фильм.
11.40 «Эзгулик».
11.55 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
12.20 «Булутли йўлкаларда сайр». Мультфильм.
12.30 «Келдию кетди». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.15 Янгиликлар.

*

17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Кругозор». Тележурнал.

*

21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Мине». Бадиий фильм (Туркия).
22.55—23.15 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультькарусель».
19.05 Эълонлар
19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Жаҳон».
19.55 «Мусиқий танаффус». Д. Маликов.
20.10 «Сўз — сизга».
20.25 «Авторейд».
20.35 «Дидар».
21.05 «Ракурс». XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан.
21.35 «Спорт-тайм».
22.05 Эълонлар.
22.10 Кинематограф. «Тунги талваса» Телесериал.
23.00—23.10 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 20

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тоғларнинг гули ўзгача».
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Иқтидорлилар — юрт таянчи». Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Она тили.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Ўзбекистон тарихи.

*

12.00 Бухоро — 2500. «Ипак йўлидаги қадимий шаҳар».
12.20 Болалар учун. «Оқ руҳ».
12.40 Ҳ. Муҳаммад. «Жиноят устида ушлансин». Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг спектакли.
14.00 Янгиликлар.
14.05—14.35 Абитуриент-97. «Тест синовларига тайёрмисиз?».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.25 Мустақиллик кубоги. Бокс бўйича халқаро турнир.
18.50 «Юртим жамоли».
19.10 «Тамойиллар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Санъат дўстликка чорлайди».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Маънавият. «Оҳанглардан таралган меҳр».
21.40 «Япония ҳақида ҳикоялар». Токио океанариси.
22.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Ёр-ёр». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
23.15 «Замон».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20—00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.45 «ТВ плюс...»
19.00 «Нафис мажлислар».
19.15 Мусиқий шарҳ.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 Майкл Дуглас ва Вэл Килмер «Шарпа ва зулмат» триллериясида.
22.55 Кундалик.
23.05 «Спорт қитъаси».
23.35 «Авлодимиз».
23.50 «ТВ плюс...»
00.05 — 00.15 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Биларжоннинг ихтироси». Мультфильм.

*

21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Капитан Блад саргузашти». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
22.35 «Опера шинавандаларига».
23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультькарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш кўрсатуви.
20.15 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
20.30 «Янги иқтисод».
21.00 «Бумеранг».
21.30 «Истеъдодлар ва мухлислар».
22.00 Эълонлар.
22.05 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.55 «Игротека + оила».
23.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 21

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Халқ хизматида», «УзДЭУ Асака». Ҳужжатли фильмлар.
9.10 Маънавият. «Оҳанглардан таралган меҳр».
9.30 «Қишлоқ тадбиркорлари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Умид учқунлари». Тележурнал.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 «Ўқитувчилар, сизлар учун».
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.

*

12.00 «Дарахтлар катта эди». Бадиий фильм.
13.30 «Саодат». Фильм-концерт.
14.00 Янгиликлар.
14.05—14.35 «Экология ва саломатлик».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Акс-садо ҳақида эртак». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...».
18.25 Мустақиллик кубоги. Бокс бўйича халқаро турнир.
18.55 «Сир».
19.05 «Диёр». Тележурнал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мавзу».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.30 «Бухорои шариф». 3-кўрсатув.
21.50 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.05 XII Тошкент Халқаро кинофестивали олдидан. «Муштарак диллар экрани».
22.25 «Автоолам».
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20—00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 Мумтоз куйлар кечаси.
18.40 «Спорт қитъаси».
18.50 «Дойче-Велле» тақдим этади...
19.10 Мумтоз куйлар кечаси (давоми).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.40 Кундалик.
22.50 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
23.00 «Зерикмай десангиз».
23.10 «Спорт қитъаси».
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20—00.30 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Капитан Блад саргузашти». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
22.50—23.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультькарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Бизнес-мирас».
20.00 «Спортлото».
20.10 «Олам ва болалар».
20.35 «Азизим».
21.05 «Автосалтанат».
21.15 «Нафосат гулшани».
21.45 «Мезон».
22.10 Эълонлар.
22.15 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.05 «Экстремал ўйинлар».
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 22

I

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ НИ ЎҚИБ, ОЙНАИ ЖАҲОНДА КЎРИНГ.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Истиқлол қўшиқлари».
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Излаган имкон топар...».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Умумий биология.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.30 «Ассалом, япон тили!».

*

12.10 «Инсон ва замин». Тележурнал.
12.35 «Шаҳризоданинг охирги туни». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.05 «Маърифат» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Дилнавоз садолар.
18.20 Мустақиллик кубоги. Бокс бўйича халқаро турнир.
18.45 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.10 «Омонлик тилаймиз».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Инсон манфаатлари йили».
21.20 «Олтин мерос». Мумтоз наволар.
21.35 «Маърифатнома».
22.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивалининг тантанали очилиши. Халқлар Дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Спорт қитъаси».
9.30 «Ғайритабиий олам».
9.45 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
10.05 «Услуб».
10.10 «Бебаҳо лаҳзалар».
10.20 «Этнограф».
10.30 «Нафис мажлислар».
10.45 «Мусиқий шарҳ».
10.55 «Авлодимиз».
11.10 «ТВ плюс...».
11.25 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
11.35 «Зерикмай десангиз».
11.45 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
12.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.35 — 14.20 «Кинонигоҳ».

* * *

18.00 Кундалик.
18.10 Бугун пайшанба дастурида.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Сувости дунёси».
19.20 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «7 дан 70 гача».
21.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.45 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 «Кинонигоҳ».
23.45 «Спорт қитъаси».
00.15 — 00.25 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Ялқов», «Хазина». Мультфильмлар.

*

21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Семург». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
22.45 «Игорь Крутой қўшиқлари». 1-қисм.
24.00—00.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультькарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.25 Болалар учун мультфильмлар.
20.45 «02» тўлқинида.
21.00 Эълонлар.
21.05 «Эльдорадо». Телесериал.
21.35 «Интер-спорт».
21.45 «Коктейль-плюс».
22.15 «Каталог».
22.25 «Эллада».
22.55 «Ҳамшаҳарлар».
23.20 «Компьютер-ревю».
23.35—23.45 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 23

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ҳожиакбар Ҳамидов куйлайди». Фильм-концерт.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 Болалар учун. «Компьютер сабоқлари».
9.40 «Нуроний». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Хазинамиз таянчи». Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.

*

12.00 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
12.40 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.35 «Маърифат маскани».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Синфдош».
18.30 Мустақиллик кубоги. Бокс бўйича халқаро турнир.
18.55 «Қалб гавҳари».
19.15 Бизнес ҳафта якунлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Умидли дунё».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Ривоят».
21.40 «Репортаж».
22.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали. «Муштарак диллар экрани».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Эртага — шанба.
00.10 «Аудитория». Ток-шоу.
00.30 «Ринг».
00.50 Тунги тароналар.
01.00 — 01.10 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Кўзмунчоқ».
9.35 «Кулги дарғалари». Чарли Чаплин.
9.55 «Қўшиқлар жилоси».
10.10 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.35 Видео—«О».
12.05 — 12.35 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.

«Оқшом». Ёшлар дастури:

18.15 «Бор экан-да, йўқ экан...».
18.30 «XXI аср авлодлари».
18.50 Мулоҳаза учун мавзу. «Биринчи ўқитувчи».
19.05 «Балоғат бекати».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сизлардан ишорат». Мусиқий дастур.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
20.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Кинонигоҳ».
23.10 «Ханда дўкони».
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20 — 00.30 «Даракчи».

III

17.15 Янгиликлар.

*

6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

20.40 «Жаҳон кўзбойлоқчилари».

*

21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.

*

21.00 Эълонлар.
21.35 «Ўнг қирғоқ, сўл қирғоқ». Бадиий фильм (Франция).
23.05 «Игорь Крутой қўшиқлари». 2-қисм.
00.20—00.40 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультькарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
20.00 «Салом, кинофестиваль!».
20.30 «Монитор-Осиё».
21.30 Эълонлар.
21.05 «Эльдорадо». Телесериал.
21.35 «Олам ва одам».
22.00 «Шаҳрим — фахрим». XII Тошкент Халқаро кинофестивалига.
22.30 «Уй остонадан бошланади».
23.00 «Қанотлар».
23.20 «Рангинкамон».
23.50 Араб эстрадаси.
00.10—00.20 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 24

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Фил учун совға». Мультфильм.
8.45 «Санъат ғунчалари».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Шоҳруҳ клуби».

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

10.30 «Мен билган, билмаган дунё».
10.50 «Таянч».
11.10 «Хабарнома».
11.20 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
11.50 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
12.35 «Ғаройиб ҳодиса». Бадиий фильм.
13.40 «Маънавият» видеоканали.
14.40 — 15.50 ЎзТВ хазинасидан. Насрулло Қобул. «Амир Музаффар». Видеофильм. 2-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Ранглар жилоси».
18.35 Мустақиллик кубоги. Бокс бўйича халқаро турнир.
19.00 «Хайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 Рақслар гулдастаси.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 Дилнавоз садолар.
21.40 «Бизнес-академия».
22.00 XII Тошкент Халқаро кинофестивали. «Муштарак диллар экрани».
22.20 Диққат, премьера: Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 34-қисм.
22.55 «Азиз сиймолар». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ш. Зоҳидов.

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:

23.15 «Мусиқий саёҳат».
23.30 «Никоҳ тумори». Бадиий фильм. 1—2-сериялар (Ҳиндистон).

II

9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...».
9.15 «XXI аср авлодлари».
9.35 Мулоҳаза учун мавзу. «Биринчи ўқитувчи».
9.50 «Балоғат бекати».
10.20 «Сизлардан ишорат».
10.40 «Ханда дўкони».
11.00 «Кинонигоҳ».
12.30 — 13.30 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «Кўзмунчоқ».
18.50 «Кулги дарғалари». Чарли Чаплин.
19.05 «Дубляж».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Олтин кент».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури.

21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Спорт қитъаси».
21.50 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
22.05 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.20 Микки Рурк «Илтижо» криминал драмасида.
24.00 — 00.10 «Даракчи».

III

17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

18.00—23.30 Россия жамоат телевидениеси.

*

23.30 Эълонлар.
23.35 «Янги қасоскорлар». Телесериал (Англия).
00.25—00.55 «Шарқ тароналари: Регистон узра наволар».

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Кинонинг олтин асри. «Кечки зиёфат». Бадиий фильм.
10.55 Эълонлар.
11.00 «Спектаклдан сўнг».
11.25 Шанба эртаги.
12.25 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
13.10 Корейс тилини ўрганамиз.
13.30—14.50 «КВН-97».

* * *

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультькарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Шанба оқшомида».
19.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.05 «Мушоира».
20.30 «5 дақиқа ўзинг учун».
20.35 «Рақслар қанотида».
21.05 Эълонлар.
21.10 Кинонинг олтин асри. «Уч мушкетёр». Бадиий фильм.
22.45 «Бу ажиб дунё».
23.05 «Эсдалик учун дастхат».
23.35 «Хит-коллекция».
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 25

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Бугун якшанба дастурида.
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Цирк! Цирк! Цирк!».
9.40 «Катта танаффус». Телеўйин.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Бир ўлка-ки...».
11.25 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 34-қисм.
12.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.40 «Қотиллик пайида». Бадиий фильм. 10-серия.
13.30 «Ўзбекистон спорти».
13.45 «Мусиқа салтанати».
14.10 «Уч қирол жанги». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
15.50 Мустақиллик кубоги. Бокс бўйича халқаро турнир.
16.35 — 16.45 «Тақвим».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳамёндаги мўъжизалар ёки...».
18.15 «Қотиллик пайида». Бадиий фильм. 11-серия.
19.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш турнири. Ўзбекистон — Камбоджа. «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. 1-тайм.
19.45 «Панорама» (рус тилида).
20.05 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш турнири. Ўзбекистон — Камбоджа. «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. 2-тайм.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Бу мунис лаҳзалар».
21.55 XII Тошкент Халқаро кинофестивали. «Муштарак диллар экрани».
22.15 «Келгуси ҳафтада».
22.30 «Шахс ва баҳс».
22.55 Эълонлар.
23.00 «Ҳафтанома».
23.30 «Тунги сеанс».
01.00 «Тақвим».
01.10 — 01.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Боланинг тили...».
9.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.45 Болажонлар экрани.
11.00 «Табиат шифохонаси».
11.10 «Мухлис ТВ-2».
11.25 «Умрбоқий мерос».
11.40 «Глобус». Телеальманах.
12.05 — 13.55 Видео—«О».

* * *

18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.45 «Табиат шифохонаси».
18.55 «Қонун ҳимоясида».
19.10 «Мухлис ТВ-2».
19.25 «Умрбоқий мерос».
19.40 Эълонлар.
19.45 «Панорама» (рус тилида).
20.05 Эълонлар.
20.10 Дилнавоз садолар.
20.30 «Глобус». Телеальманах.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 XII Тошкент Халқаро кинофестивали кундалиги.
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 Видео—«О».
23.50 «Мухлис ТВ-2».
00.05 «Мувозанат» — келгуси ҳафта тақвими.
00.20 — 00.30 «Даракчи».

III

17.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

17.20—22.30 Россия жамоат телевидениеси.

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Янги қасоскорлар». Телесериал.
23.25—23.50 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами» таништиради...
11.10 «Парле ву франсе?».
11.40 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида».
11.50 «Кинони севасизми?».
12.20 «Жонли сайёра».
12.40 Киносалон. «Ота номи билан». Бадиий фильм.
14.55 «Шу куннинг мавзуси».
15.10 «Афсоналар ва ҳақиқат».
16.10 Эълонлар.
16.15 Кундузги сеанс. «Қутқариш командаси». Бадиий фильм.

*

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультькарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Телеташриф».
19.20 «Менинг кучам».
19.35 Дебют. «Дарсдан сўнг». Теленовелла.
20.10 «Сенинг вақтинг».
20.40 «Тошкент оқшомида».
21.15 «Иштирок этувчилар».
21.45 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографиси янгиликлари.
22.15 Эълонлар.
22.20 Киносалон. «Аёл иси». Бадиий фильм.
00.30—00.40 «Хайрли тун!».

ҲАМ ТОМОША, ҲАМ САЁҲАТ...

Тошкент киноанжумани очилишига ҳам саноқли кунлар қолди. Хўш, фестиваль кунлари меҳмонларга қандай маданий хизмат кўрсатиш мўлжалланмоқда?

— ФЕСТИВАЛЬ меҳмонлари ва қатнашчиларини қизиқарли ва ранг-баранг маданий дастур кутмоқда, — дейди XII ТХКФ маданий хизмат кўрсатиш гуруҳининг раҳбари Анвар Бўриевич ЁҚУБХЎЖАЕВ. — Кино байрамининг тантанали очилиш маросимидан сўнг бўладиган катта концертда фестиваль учун махсус ёзилган янги қўшиқлар янграйди. Бу дастур устида режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Абдурашид Раҳимов, сценарийнавис ва кинорежиссёр Юсуф Розиқовлар иш олиб боришган. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ва бастакор Анор Назаров фестиваль мадҳиясини яратишди.

Пойтахтимизнинг етакчи театрлари кинофестиваль меҳмонлари ва қатнашчиларини ўзларининг энг яхши спектаклларига таклиф қиладилар. Жумладан, Навоий номидаги давлат академик катта театри шу кунларда ўзининг миллий опера асарларидан Р. Глиэр ва Т. Содиқовнинг «Лайли ва Мажнун», М. Вафоевнинг «Умар Ҳайём» спектаклларини намойиш этади. Унинг саҳнасида жаҳон мумтоз асарлари ҳам ижро этилади.

Ҳамза номидаги Давлат академик драма театри Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий», Абдулла Қодирийнинг романи асосида саҳналаштирилган «Меҳробдан чаён», А. Ориповнинг Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қиладиган «Соҳибқирон» спектакллари ва бошқа асарларни намойиш этади.

Муқимий номидаги ўзбек мусиқали драма театрида миллий спектакллар ҳисобланган «Куёвлар конкурси», «Юсуф ва Зулайҳо», «Ака-ука совчилар» каби қатор спектакллар анжуман меҳмонлари ҳукмига ҳавола этилади.

Горький номли давлат рус академик драма театрининг афишалари ҳам ўзининг қизиқарлилиги билан ажралиб туради.

Мана, қарийб 20 йилдан ошдики, ёшларнинг «Илҳом» театри саҳна санъати ихлосмандларининг диққатини ўзига жалб этиб келмоқда. Анжуман кунлари меҳмонларни бу жамоа янги спектакль тақдимоти билан хушнуд этмоқчи.

Ўзбек ва рус ёш томошабинлар театрлари, республика қўғирчоқ театри ва бошқаларда ҳам кўплаб ажойиб томошалар бўлиши кутилмоқда.

Яқиндагина ташкил қилинган Мукаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» бирлашмаси ўз томошаларини «Баҳор» концерт залида намойиш қилади. Шунингдек, бу ерда миллий симфоник оркестр, «Зарафшон» фольклор дастаси, «Лазги» этнографик дастаси, машҳур «Баҳор» дастаси ва «Тановор» театрининг жозибали рақслари ва куй-қўшиқлари янграйди.

Фестиваль меҳмонлари ва қатнашчиларига Темурийлар тарихи Давлат музейи, Давлат санъат музейи, халқ бадиий-амалий санъати музейи, Ўзбекистон рассомлари Академиясининг кўргазмалар залини бориб кўриш имконияти яратилади.

Киночилар уйида машҳур кино мусаввири, бу йил туғилган кунига 100 йил тўладиган В. Н. Еремян ва бошқа ўзбек кино рассомларининг ишлари қўйилган кўргазма очилади.

Пойтахтимиздаги «Қозоғистон» кинотеатрида ўзбек ҳужжатли ва томоша киносининг асосчилари бўлган Худойберган Девонов ва Наби Ғаниевларнинг фильмлари ретроспектив намойиши ўтказилади.

Бир сўз билан айтганда, ташкилий қўмита ва XII ТХКФ Бош дирекцияси меҳмонларнинг юртимизда бўлган пайтларидаги вақтларининг қизиқарли ва эсда қоларли даражада ўтишини таъминлаш учун барча ишларни қилдилар.

Суҳбатдош Жалол АЛИЕВ.

ИМКОНИЯТЛАР БЎСАҒАСИДА

КИНО оламида янги юлдузнинг порлашини мўъжиза билан қиёслаш мумкин. Чунки, ҳар бир янги юлдуз санъат оламига ўз ижодий услуби ва ўзига хос таровати, жозибаси билан кириб келади. Ўзбек киносида кейинги йилларда истеъдодли актрисалар Дилором Эгамбердиева, Раъно Зокирова, Лола Элтоевалар сафига янги-янги киноюлдузлар келиб қўшилди. Гулшан Қодирбой қизи, Сўғдиёна Исроилова, Саида Мансурхўжаеваларнинг фильмларда ва видеоклипларда ижро этаётган роллари томошабинларимизга манзур бўлмоқда.

Кўзлари шаҳло, нозиккина Саида Мансурхўжаеванинг сурати 12 ёшидаёқ киностудиянинг актёрлар фототекасида қайд этилди. Ўшанда Саидани бир неча бор турли фильмларга кинosиновларга чақиришди, лекин, жиддий таклиф бўлмади.

Болалигидан рақс санъатига меҳр қўйган Саида ўн олти ёшида илк бор катта саҳнага қадам қўйди. Раққосани «Шодлик»рақс дастасига қабул этишди. У «Ялла» вокал-чолғу дастаси қўшиқларига рақсга тушиб, мазкур даста билан хорижий сафарларда ҳам бўлди.

Рақс санъатида ёркин юлдуз бўлиб танила бошлаган Саида Мансурхўжаева киноижодкорлар эътиборига тушди. Аввалига эпизод ролларда қатнашди. Кинорежиссер Ҳабибулло Файзиев «Марғиёна» тарихий фильмидаги бош қаҳрамон ролига айнан Саидани таклиф этди. Тарихимизнинг кўҳна, табаррук саҳифаларидан бири ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур фильмда Саида жасур қиз Марғиёна образини яратди. Муҳаббат ва хиёнат, олижаноблик ва қабоҳат, адолат ва разолат ичра яшаган ёш қаҳрамон кечинмаларини дебютант актриса самимий ижро этишга ҳаракат қилди.

— Суратга олиш майдонида аввалига ўзимни анча ноқулай ҳис этдим, — дейди Саида. — Камера ортида турган юзлаб кузатувчилар, шовқин-сурондан ҳаяжонланардим. Режиссер Ҳабибулло Файзиев, кинода тажрибаси бўлган актерлар Нозим Тўлахўжаев, Хайрулла Саъдиев, Фотиҳ Жалоловлар менга катта ёрдам беришди. Қаҳрамонимнинг фожиавий муҳаббатини тўлақонли ифода этиш учун кўп изландим, тер тўкдим.

Кинодаги фаолиятини тарихий фильмдан бошлаган Саида Мансурхўжаева замонавий мавзудаги саргузашт фильмда роль ижро этишни орзу қилади. Рақсга меҳр қўйган, кинода эса истеъдодини илк бор намоён қилган ёш санъаткор мумтоз киноасарларни севиб томоша қилади. Зеро, жаҳон киноси дурдоналари мағзига сингдирилган юксак инсоний туйғулар, ғоялар унинг кашф этилмаган ижодий имкониятларига йўл очади, қалб кечинмаларига ҳамоҳанг бўлади.

Феруза НОДИРОВА.

Бир эслаб кўринг, нақадар таниш чеҳралар! Ажаб эмаски XII Тошкент киноанжумани хотирада мангу қоладиган учрашувларга янада бой бўлса ...

ОТА ҚОТИЛИ — ПАДАРКУШ ДЕМАК...

Бу мудҳиш фожеа ўтган йили узоқ вилоятлардан бирида содир бўлди. Бир одамнинг ўғил ва қизи бўлиб, улар отани менсимай катта бўлдилар. Кейинчалик қиз саёқ юриб, отасиз «фарзанд» орттирди. Иснодга чидолмаган отада қизига нисбатан нафрат уйғонди. Уни тинмай койирди. Шу орада ўғил ҳам арзимаган буюмни олиб бермаган отани ёмон кўриб қолди. Опа-ука бирлашиб, отадан ўч олмоқчи бўлдилар. Бу ўч — ўлим билан тугади. Афсуски, бу сингари воқеалар оз бўлсада, содир бўлиб турибди...

Хўш, бу воқеа рўй бермаслиги мумкин эдими? Фожеанинг туб сабаблари нимада? Бу муаммоларга жавоб топиш учун юксак маънавиятимиз сарчашмаларига қайта-қайта мурожаат этишни лозим, деб билдик. Бунда бизга маънавиятимизнинг улкан устунларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмаси қўл келса, ажаб эмас.

Беҳбудий асримиз тонгидаги ўзбек адабиёти, маданияти, маърифати ва миллий тафаккури тарихида ўчмас из қолдирган улкан сиймолардан биридир. Муаллифнинг бу асари 1911 йилда яратилган бўлиб, шуниси диққатга сазоворки, бундан салкам тўқсон йил аввал ёзилган асарда билдирилган фикрлар, илгари сурилган ғоялар худди бугун айтилаётгандек жаранглаб турибди. Зеро, юқоридаги воқеалар нуқтаи назаридан олиб кўрсак, бу каби фожеалар келтириб чиқарган муаммоларга шу кунларда жавоб ахтаришга тўғри келмоқда. Айни пайтда, драма воқеалари ҳозирги замон ўқувчисини ўйлашга, мушоҳада юритишга ундаши билан ҳам катта аҳамият касб этади.

Шу мақсадда драманинг қисқача мазмунини эътиборингизга ҳавола этсак. Бир Бойнинг Тошмурод исмли такасалтанг ўғли бўлади. У йигит ёшига етган бўлсада, илм-маърифатдан бебаҳра ўсади. Ўзи тенги ошнолари билан маишат қилиб юришдан бўшамайди. Ота дунёнинг обрў-иззатини бойликда, деб билади. У одамлар ўқимишли кишидан кўра, бойларни ҳурмат қилади, деб тушунади. Шунинг учун у фарзанди тарбияси ва уни маърифатли қилиш билан жиддий шуғулланмайди.

Тошмурод ва унинг ҳамтовоқларига эса ҳар кунги турли томошалар, кайф-сафо ва маишат учун пул керак. Майхонадаги шундай маишатлардан бирида уларга озроқ пул етмай қолади. Шунда қулоғи қизиган, маст-аласт «улфатлар» Бойнинг сандиғидан пул ўғирлаб келишни унинг ўғли Тошмурод билан Тангриқулдан сўрашади. Сандиқдан пул ўғирлашаётганларида Бой уйғониб қолади. Шу фурсатда уни пичоқлаб ўлдириб, ҳеч нарса кўрмагандай яна майхонага келиб, маишатни давом эттира бошлашади. Лекин, бу хурсандчилик узоққа чўзилмайди. Улар шу ернинг ўзида ушланиб, тегишли жазога мустаҳиқ этиладилар.

... Асарни ўқир эканмиз, Тошмуроднинг эски мактабга ҳам, янги мактабга ҳам бормаслиги аён бўлади. Айни пайтда, Бой ҳам ўғилга мос яъни ўқиш, илм-маърифатли бўлиш — унинг учун бир пул, фақат унга бойлик бўлса бас!

Алалхусус, Домулло Бойнинг бу фикр ва қарашларига қарши чиқади. Болани ўқитиш кераклигини алоҳида таъкидлайди. «Хулоса чиқарсак бўлмайдими ахир, йигирма-ўттиз йилдан бери барча йирик савдо ишлари ерли халқ эмас, четдан келганлар қўлида, агар ўзимиз, болаларимиз ўқиган, саводли, илмли бўлсак эди, шу қўйига тушмасдик», — дея куйиб-пишиб фикр билдиради Домулло Бойга.

> ***Яхши бирла юрса, ҳар ким, мақсуди ҳосил, бўлур,***
> ***Юрса нодонлар ила, бир кун бориб қотил бўлур.***

Афсуски, Бой бу фикрларни эриниб тинглаб, Домулло устидан таҳқиромуз кулиб: «Ўқиганнинг бири сиз, емоққа нонингиз йўқ», — деб кескин жавоб беради.

Драмадаги яна бир Зиёли тимсолини муваффақиятли чиққанлигини таъкидлаш жоиз. Унинг: «Илм ва ҳунарсиз халқнинг бойлиги, ери ва асбоби кундан-кун қўлидан кетганидек, ахлоқ ва обрўйи ҳам қўлдан чиқар, ҳатто дини ҳам заиф бўлур. Бунинг учун биз мусулмонларни ўқитмоққа сайи қилмоғимиз лозимдур...» — деган фикрлари, назаримизда шу кунларда ҳам ўз қимматини йўқотмагандек туюлади.

Шунингдек, Зиёли халқимиз учун икки йўналишдаги олимлар: диний йўналишдаги уламолар — воиз, имом, мударрис, муфти ва бошқалар ҳамда «олими замоний»лар — дунёвий илм соҳиблари кераклигини таъкидлайди. Унинг фикрича, ёшларимиз гимназияларда ўқиб битиришгач, докторлик, қонунчилик, муҳандислик, судьялик, илми саноат, илми иқтисод, илми ҳикмат, фалакиёт соҳаларини ўзлаштиришлари керак.

Балки бу билан чегараланиб қолмасдан, Фарангистон, Амриқо, Истамбул дорилфунунларига таълим-тарбия учун юборилишлари зарур.

Шу жиҳатдан олиб қараганда айни кезларда юртбошимизнинг ва ҳукуматимизнинг истеъдодли ёшларимизга кўрсатилаётган бу борадаги ғамхўрлик ва саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқдир. Мустақил республикамизнинг кўплаб ёшлари хорижий мамлакатлардаги энг нуфузли олий билим даргоҳларида ўқишлари билан бир қаторда, ҳатто, мактаб ўқувчилари ҳам чет элларда ўз тенгдошлари билан тенгма-тенг сабоқ олаётганликлари Беҳбудий орзу-умидларининг эндиликда амалга ошаётганлигини кўрсатиб турибди. Айни чоғда у узоқни кўрувчи, халқ ҳаётини, дардини чуқур англовчи, унинг оғирини енгил қилишни ўз ҳаётининг мазмуни, деб билувчи ватанпарвар ва миллатпарвар инсон эди.

Маълум бўладики, драмада Бойни ўз ўғли эмас, балки, Тошмуроднинг шишадоши Тангриқул ўлдирган. Бироқ, асар, «Падаркуш» деб аталган. Бу орқали драматург ота ўлимининг сабачиси ўз ўғлидаги норасолик, илмсизлик, жаҳолат, бадхулқлик деб билади. Шунингдек, муаллиф таъкидича, жамият таназзулининг боиси ёш авлоднинг давр талаб қилган даражадаги камолотга интилмаслигидадир!

Демак, асар асосини маърифатпарварлик ғояси ташкил этади. Халқ ўқиш, маърифат, илм эгаллаш орқалигина қолоқликдан чиқиши мумкин. Шулар боис, юқорида келтирилган фожеанинг ҳам, драмадаги воқеанинг, иллатларнинг, бахтсизлигу бадбахтликларнинг ҳам (бу воқеаларни тўқсон йиллик вақт ажратиб турсада) асосий сабаблари — замон талаб қилаётган билимларни эгалламаслик, илмга, маърифатга беписандлик оқибатидир!

Бас шундай экан, ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни бекор қўймай, ўқиш ва иш билан машғул этиш, илм-маърифатли ва замонавий касб-ҳунар эгалари қилишга астойдил, фидойилик ҳамда масъуллик билан жиддий ёндошиш — ҳар бир раҳбарнинг, устоз-мураббийнинг, ота-оналару, маҳалла фаолларининг, қолаверса, ҳар бир онгли фуқаронинг энг асосий бурч ва вазифалари бўлиб қолмоғи шарт. Бу ҳозирги давримизнинг энг юксак талабидир!

БАҲОДИР ВАЛИЕВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

УЙҚУСИДА ЮРАДИГАН ОДАМЛАР

НИМА учун баъзи одамлар ухлаётганида ҳам ўрнидан туриб юрадилар? Бундай ҳодисани тушуниш учун аввал уйқунинг нималигини билмоқ лозим.

Уйқу бизга танамиздаги ҳориган барча орган ва тўқималарнинг ҳордиқ чиқариши ва тикланишига ёрдам беради. Афсуски, ҳозиргача илм-фан нима учун ухлашимизни аниқ илмий асослаб бермаган. Фақат мияда қандайдир «уйқу маркази» бору, бу — «марказ» организмнинг уйқу ва уйғоқ ҳолатини бошқариб туради, деган тахмин бор, холос.

Уйқу маркази ишлаётган пайтда икки вазифани бажаради. Жумладан, орган ва тўқималар чарчаб, бирор иш қилишга хоҳиш қолмаганида «уйқу маркази» миянинг бир қисми фаолиятини тўхтатиб, танани хушсиз ҳолатга тушириб қўяди. Бундай ҳолатни мия уйқуси деб аташ мумкин. Қолаверса, «марказ» ички ва ҳаракат органларининг ухлаши учун миянинг айрим асаб толалари фаолиятини тинчлантиради. Бундай ҳолатни тана уйқуси дейишади. Оддий пайтларда уйқунинг бу икки ҳолати бир-бири билан уйғунлашиб кетади. Баъзи шароитларда эса мия уйқуси билан тана уйқуси ўзаро алоқани йўқотадилар. Мия ухлаб тана уйғоқ ҳолда бўлади. Бундай пайтда асаб тизимлари чарчаган кишилар ўрнидан туриб, нима қилаётганликларини ўзлари пайқамаган ҳолда у ёқбу ёққа юрадилар.

ФИЛ СИЧҚОНДАН ҚЎРҚАДИМИ?

ХАЛҚ орасида фил сичқондан қўрқади, эмишки, сичқон унинг хартумига кириб кетса, фил нафас ололмай ҳалок бўлади, деган гап тарқалган.

Ҳақиқатан ҳам шундайми? Йўқ, фил сичқондан асло чўчимайди. Агар сичқон унинг хартумига кириб кетгудек бўлса фил чуқур нафас олиб, уни пўкак сингари хартумидан отиб юбориши ҳеч гапмас.

Об-ҳаво

ЯНА ЁМҒИР

17-21 май кунлари ҳам аввалги ҳафталардагидек ҳаво ўзгарувчан бўлади. Ушбу муҳлатнинг дастлабки кунларида ҳаво очиқ келиб, охирларида вилоятимизнинг айрим туман ва шаҳарларида ёмғир ёғиб ўтиши кутилмоқда. Айрим жойларда шамол эсиб, унинг тезлиги сониясига 15-17 метрга етади.

Кечалари ҳарорат 11-16, кундуз кунлари 25-30 даража иссиқ бўлади. Ҳаво айниган кунлари ҳарорат пасайиб, 19-24 даражани ташкил этади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «НОДИРА» жамоа корхонаси

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 46-50-09 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номли 4-ўрта мактаб томонидан Неъматиллаев Жаҳонгирга берилган 9-синфни битирганлик тўғрисидаги 530646 рақамли йўқолган гувоҳнома

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

ЧЕМПИОННИ DОҒDА ҚОЛDИРИБ

Футбол бўйича мамлакат олий табақаси иштирокчилари тўрт ҳафталик танаффусдан сўнг биринчилик ўйинларини яна бошладилар

МАМЛАКАТ терма жамоасининг жаҳон саралаш учрашувида қатнашиши туфайли мамлакат биринчилигида эълон қилинган салкам бир ойлик танаффус тугаб, жамоалар ўтган сешанба ва чоршанбада 9-тур учрашувларини ўтказишди.

Бу мавсум вилоятимизнинг бош ўйингоҳи «Дўстлик» шу пайтгача бунчалик кўп томошабину муҳлисларни бағрига олмаган эди. Машҳур эстрада қўшиқчиси Юлдуз Усмонованинг концертини ҳамда ўтган йилги мамлакат чемпиони «Навбаҳор» билан бўладиган «Дўстлик»нинг ўйинини кўргани 20 мингдан зиёд муҳлис йиғилди. Ҳамма-санъат мухлиси ҳам, футбол шайдоси ҳам ўйингоҳдан хурсанд бўлиб қайтди. Гўё машҳур қўшиқчининг дилларга ҳадя этган қувончини футболчилар давом эттиргандек бўлди. Тўғри, аввалига «Дўстлик» — «Навбаҳор» учрашувида омад меҳмонларга кулиб боқди. 24-дақиқада Леонид Кошелев мезбонларни ўйинни марказдан бошлашга мажбур этди. 1:0 ҳисобида меҳмонлар олдинга ўтиб олишди. Бироқ майдон эгалари бундан руҳан тушмай, ҳужумга зўр бердилар ва 38-дақиқада Жаъфар Ирисметов тўпни дарвоза бурчагига йўллаб вазиятни тенглаштирди. Муҳлислар ушбу ҳаракатни бошлаган ва икки ҳимоячини алдаб ўтган, тиниб-тинчимас Владимир Галяновнинг ҳам маҳоратига тахсинлар айтишди.

Танаффусдан сўнг устунлик майдон эгаларида бўлди. 56-дақиқада омади чопган Жаъфар иккинчи тўпни киритишга муваффақ бўлди. Бироқ орадан 14 дақиқа ўтгач ўша Л. Кошелев ҳисобни яна тенглаштирди. 2:2. Ўйин охирлаб борарди. Ана шунда Фарид Хабибулин рақиблар дарвозасига тўп киритиб, жамоадошлари ғалабасини таъминлади. Ўйин тугади. «Дўстлик» 3:2 ҳисобида чемпионни доғда қолдирди. Аммо мағлубиятга тан бериш ўрнига ўйиндан сўнг ҳакамга ўз норозилигини билдирган Тоҳир Мадраҳимов томошабинларда нохуш кайфият қолдирди ва ҳақли равишда жазоланди.

Ўтган йилги чемпион бу мағлубиятдан сўнг пешқадам МҲСКдан (армиячилар мазкур турда «Сўғдиёна»ни 3:1 ҳисобида мағлуб этишди) 10 очко орқада қолмоқда. «Ҳавас» теннис турнири мусобақалари пайтида республика Мудофаа Вазири Рустам Аҳмедов билан бўлган суҳбат пайтида у «биринчи даврада «Навбаҳор»дан кам деганда 10 очко ўзиб кетиш ниятидамиз» деган фикрни изҳор қилганди. Начора 9-турга келибоқ унинг фикри тасдиқланди. «Дўстлик»ка бой берилган уч очко пировардида наманганликларга жуда қимматга тушиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Мазкур турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Косонсой» — «Янгиер» — 0:1: «Атласчи» — «Чилонзор» — 2:1, «Хоразм» — «Андижон» — 2:0, «Трактор» — «Афросиёб» — 1:0, «Насаф» — «Сурхон» — 4:1, «Зарафшон» — «Пахтакор» — 2:5, «Бухоро» — «Нефтчи» — 0:2.

Жамоаларнинг бугунгача турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Жамоалар	Ў.	Ю.	Д.	М.	Т.	О.
МҲСК	9	9	0	0	25-7	27
«Нефтчи»	9	7	1	1	27-10	22
«Пахтакор»	9	6	3	0	17-5	21
«Дўстлик»	9	6	2	1	15-7	20
«Навбаҳор»	9	5	2	2	22-10	17
«Атласчи»	9	4	2	3	13-13	14
«Бухоро»	9	4	1	4	13-15	13
«Сўғдиёна»	9	4	0	5	11-12	12
«Трактор»	9	3	2	4	6-8	11
«Афросиёб»	9	3	2	4	10-9	11
«Насаф»	9	2	4	3	11-12	10
«Косонсой»	9	3	0	6	7-16	9
«Зарафшон»	9	2	2	5	10-16	8
«Андижон»	9	2	1	6	7-12	7
«Янгиер»	8	1	3	4	6-10	6
«Хоразм»	8	2	0	6	8-12	6
«Чилонзор»	8	1	1	6	3-9	4
«Сурхон»	6	0	2	4	1-19	2

Навбатдаги ўнинчи тур ўйинлари 18—19 май кунлари бўлади. «Дўстлик» эртага сафарда «Насаф» билан учрашади.

«ЛОЧИН»НИНГ САФАРДАГИ ҒАЛАБАСИ

Зангиотанинг «Лочин» жамоаси мамлакат биринчилиги биринчи табақасида илк бор қатнашаётган бўлишига қарамай нафақат ўз майдонидаги, балки сафардаги учрашувларни ҳам кўтаринки руҳда ўтказмоқда.

Зангиоталиклар сафарда «Гулистон» жамоаси меҳмони бўлишиб, 2:0 ҳисобида ғолиб келишди. Ҳужумчи Ғайрат Одилов бу ўйинда ўзининг мавсумдаги еттинчи тўпини киритиб, ҳозирда биринчи табақанинг энг моҳир тўпурари бўлиб турипти. Еттинчи турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Роҳат» — Ситора» — 3:0, «Тўқимачи» — «Машъал» — 4:2, «Норин» — «Дўстлик» — 2:1, «Пахтаобод» — «Темирйўлчи» — 0:4, «Шаҳрихон» — «Боғдод» — 3:0, «Зафар» — «Истиқлол» — 2:5, «Шўрчи» — «Бўкалик» — 4:1, «Шўртон» — «Металлург» — 2:4, «Хива» — «Орол» — 2:1.

Етти турдан сўнг Қўқоннинг «Темирйўлчи» ва Бекободнинг «Металлург» жамоалари 18 тадан очко билан пешқадамлик қилмоқда. «Истиқлол» футболчиларида 15 та, «Шўрчи», «Лочин» ва «Бўкалик» жамоалари ҳисобида 13 тадан очко бор.

«СЕМУРҒ» ВА «ХОС» МАҒЛУБИЯТСИЗ БОРИШМОҚДА

ФУТБОЛ бўйича вилоят биринчилиги беллашувларида Янгиободнинг «Семурғ» ва Бекободнинг «Хос» футболчилари ўн турдан сўнг мағлубиятга учрамай, турнир жадвалини бошқариб боришмоқда.

Яна шуниси эътиборлики, бу икки жамоа вилоят биринчилигининг янги аъзолари ҳисобланишади. Янгиободлик футболчилар қаторасига саккиз бор ғалабага эришиб, фақат тўққизинчи турда анча тажрибали «Ғазалкент» жамоаси билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнадилар. Яна шуниси эътиборлики, ўтказилган 86 та ўйинда жами 306 та тўп киритилди. Агар аҳвол шу зайлда давом этадиган бўлса, муҳлислар бу йил вилоят биринчилигида дарвозаларига киритиладиган мингинчи тўпни ҳам гувоҳи бўлишлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Жамоаларнинг ўринбосарлари баҳсида «Посбон» (Чирчиқ), «Ғалаба» (Солдатск) ва «Олмалиқ» жамоалари олдинда боришмоқда.

Вилоят биринчилиги қатнашчиларининг турнир жадвалидаги аҳволи билан танишинг:

Жамоалар	Ў.	Ю.	Д.	М.	Т.	О.
«Семурғ»	10	9	1	0	38-3	28
«Хос»	10	7	3	0	35-8	24
«Ғалаба»	10	7	2	1	24-12	23
«Парвоз» (Ангрен)	10	7	1	2	22-8	22
«Кимёгар-Авто» (Ангрен)	10	7	1	3	20-9	22
«Ғазалкент»	10	6	3	1	24-8	21
«Истиқлол» (Оққўрғон)	10	6	1	3	24-8	19
«Посбон»	10	4	4	2	13-9	16
«Соҳибкор» (Зангиота)	9	5	0	4	13-10	15
«Оққўрғон»	10	4	1	5	13-25	13
«Олмалиқ»	11	3	2	6	15-17	11
«Зафар»	10	3	1	6	17-24	10
«Янгийўл»	7	1	3	3	7-14	6
«Цементчи»	10	1	1	8	16-28	4
«Келес»	8	1	0	7	10-24	3
«Паркент»	7	1	0	6	2-19	3
«Турон» (Пскент)	9	1	0	8	4-28	3
«Дўрмон»	10	1	0	9	9-42	3

Владимир КОПАНЕВ,
вилоят футбол федерацияси аъзоси.

ХАЛҚАРО МУСОБАҚА СОВРИНДОРЛАРИ

АНҚАРА шаҳрида ўсмирлар ўртасида дзюдо бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда 9 та мамлакат терма жамоалари қатнашди.

Ўзбекистон вакиллари орасида иштирок этган Чирчиқдаги олимпия ўринбосарлари билим юрти талабалари Юсуф Гулиев ва Лазиз Йўлдошевлар ўз вазнларида учинчи ўринни эгаллаб, бронза нишондори бўлишди. Ю. Гулиев 71 килограммгача, Л. Йўлдошев эса 78 килограммгача вазнда мусобақалашди. Чирчиқлик яна бир дзюдочи Асқар Алиқулов 60 килограммгача вазнлилар баҳсида бешинчи ўринни олди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
33-40-48
Эълонлар:
33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйҳатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0286. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 13.826 нусҳа.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 19. 00. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6